

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658.330.115 (575.1)

ХОЛИҚОВ САРДОР ҚАЛАНДАРОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ МАТЕМАТИК
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

5A230106 – «Эконометрика»

**магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
доц. Балтаева Л.Р.**

Тошкент – 2013

Магистрлик диссертация иши «Эконометрика» кафедраси дастлабки ҳимоясидан ўтган.

_____ - сонли баённома «_____» _____ 2013 й.

Илмий раҳбар: доц. Балтаева Л.Р.

_____ **имзо** _____ **сана**

Магистр: Холиқов С.Қ.

_____ **имзо** _____ **сана**

МУНДАРИЖА:

Кириш	4
I-боб. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида	
инвестициялаш жараёнининг назарий асослари.....	9
1.1. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва уларнинг ривожланиш босқичлари.....	9
1.2. Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолият ва инвестицион сиёсат.....	16
...1.3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инвестицион фаолиятни молиялаштиришда тижорат банкларининг ўрни.....	22
1-боб бўйича хулосалар.....	32
 II-боб. Тижорат банкларини инвестицион фаолиятини тахлили	 34
2.1. Тижорат банкларини инвестицион фаолият олиб боришининг асосий максоди.....	34
2.2. Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти ва инвестиция портфелини шакллантириш усуллари.....	37
2.3. Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида ахборот технологияларини қўллаш услубиёти.....	48
2-боб бўйича хулосалар.....	61
 III-боб. Тижорат банклари инвестицион фаолиятини иқтисодий- математик таҳлил қилиш.....	 63
3.1. ХЁАТБ “Давр банк” бош офиси фаолияти таҳлили.....	63
3.2. ХЁАТБ “Давр банк” бош офисида инвестицион фаолиятини оптималлаштириш	72
3.3. Тижорат банкларининг инвестицион жараёнларни такмиллаштириш йўналишлари.....	77
3-боб бўйича хулосалар.....	86
 Хулоса ва таклифлар.....	 87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	89
Илова.....	93

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатда иқтисодий ислох қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, уни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотнинг оқилона таркибини шакллантириш хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини таъминлаш ва инвестициялашнинг самарали шаклларида фойдаланишга боғлиқ.

Мустақиллик йилларида инвестициялар иштирокидаги кўплаб корхоналар ишга туширилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Миллий ишлаб чиқаришни модернизация қилишда инвестициялар иқтисодий сиёсатимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида катта ўрин эгаллайди.

Ўтган йилда иқтисодийтимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир”.

Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун йўналтиришга тўғри келмоқда.

Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.

Республикаimiz иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида иқтисодий модернизациялаш, аҳоли бандлиги ва даромадларини

таъминлашда инвестицион жараёнларни янада тезлаштириш, инвестицион объектларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, улардаги таваккалчилик даражаларини пасайтириш ҳамда бу соҳада иқтисодий-математик усуллар ва моделлар ҳамда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилишига олиб келади.

Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолликни ошириш, миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иқтисодий-математик усуллар ва моделларни қўллаш масалалари республикамизда етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Тижорат банклари томонидан инвестициялаш жараёнларида иқтисодий-математик усулларни қўллаш, улардан инвестиция ресурсларини оптимал тақсимлашда самарали фойдаланиш, молиявий ресурсларни оқилона бошқаришга ҳамда оптимал қарорлар қабул қилишга имкон беради.

Ушбу масалаларни назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш, мазкур магистрлик диссертация ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Магистрлик диссертация ишининг объекти бўлиб, ХЕАТБ “Давр банк” бош офиси ҳисобланади.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятини иқтисодий-математик моделлаштириш масалалари ушбу тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг мақсади бўлиб, тижрат банклари инвестиция фаолиятини ошириш йўллари иқтисодий-математик таҳлил қилиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун магистрлик диссертация ишида қуйидаги вазифалар белгиланган ва ўз ечимини топган:

- инвестиция категориясининг назарий асосларини ўрганиш ва тавсифлаш;
- республикамизда инвестицион фаолият ва инвестицион сисёсатнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш;

- инвестицион фаолиятни молиялаштиришда тижорат банкларинин аҳамиятини ўрганиш;
- тижорат банклари инвестицион фаолиятида рискларни ўрганиш ва уларни тадқиқ қилиш йўллариини белгилаш;
- тижорат банкларни инвестицион фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш усулбиётини ўрганиш;
- ХЕАТБ “Давр банк” бош офиси инвестиция портфелини оптималлаштириш йшллариини тадқиқ қилиш:
- тижорат банклар инвестицион жараёнларни такомиллаштиришни бўйича илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банкларни молиявий –иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишда иқтисодий – математик усуллардан фойдаланган ҳолда бошқарув жараёнида қарор қабул қилиш, оптимал дастурлаш усуллар ёрдамида тижорат банкларни даромадлигини аниқлаш ва шу асосида стратегик қарор қабул қилиш имкони беради. Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини, бошқариш усулларини ҳамда бошқаришнинг инновацион стратегияларини илмий тадқиқ этилиши уларни бошқарув самарадорлигини баҳолаш имкониятларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Банк соҳасида рискларни ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини тадқиқ қилиш ва турли хил банк рискларини хорижлик ва ватанимиз иқтисодчи олимлари томонидан ўрганиб чиқилган. Жумладан, хорижий олимлардан Белоглазова Г.Н., Лаврушин О.И., Стародубцева Е.Б., Шевчук В.А., Гобарева Я.Л., Жарковская Е.П., Меркулова И.В. ва бошқаларнинг илмий асарларида банкларнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти, банкларнинг турлари ва фаолият йўналишлари, банк соҳасида вужудга келадиган рисклар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари масалалари кенг ёритиб ўтилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Муллажонов Ф., Абдуллаева Ш., Ботиров Ф., Эрматов М., Газибеков Д., Исматуллаев И., Тоймухамедов И. ва бошқаларнинг асарларида банк операцияларини суғурталаш, банк рисклари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, кредитлаш жараёнлари ҳамда банк ташкилотларида ахборот технологияларидан фойдаланиш масалалари батафсил ёритиб ўтилган.

Лекин юқорида келтирилган иқтисодчи олимлар асарларида банк фаолиятини моделлаштириш масалалари етарли даражада ёритилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Диссертацияда илмий билишнинг диалектик, абстракт - мантикий фикрлаш, таҳлил ва синтез, статистик ва эконометрик, иқтисодий - математик моделлаштириш усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг асарлари, шунингдек, Интернет ресурслари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертация ишининг амалий аҳамияти шундаки, тузилган иқтисодий-математик моделлардан республикамізда фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг инвестицион портфелини оптималлаштиришда ҳамда самарали қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари магистрлик диссертация ишининг натижаларидан “Микроиқтисодий жараёнлар ва фирмалар фаолиятини моделлаштириш”, “Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва башорат қилиш” каби фанларнинг мос келувчи мавзуларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги. Магистрлик диссертация ишининг илмий янгилиги бўлиб, Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг

инвестицион фаолиятини таҳлил қилиш асосида, оптимал инвестицион портфелни шакллантиришнинг иқтисодий-математик модели ишлаб чиқилди.

Ишнинг тузилиш таркиби. Магистрлик диссертация иши кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Диссертация ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услубий асослари ёритиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи бобида “Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида инвестициялаш жараёнининг назарий асослари” инвестициялар тўғрисида тушунча ва уларнинг турлари, Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолият ва инвестицион сиёсат, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инвестицион фаолиятни молиялаштиришда тижорат банкларининг ўрни каби саволлар ёритилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби “Тижорат банклари инвестицион фаолиятини таҳлили” деб номланиб, унда тижорат банклари инвестицион фаолиятини асосий мақсади, инвестицион фаолияти ва инвестиция портфелини шакллантириш усуллари, тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида ахборот технологияларини қўллаш услубиёти баён этилган.

Диссертация ишининг учинчи боби “Тижорат банклари инвестицион фаолиятини иқтисодий-математик таҳлил қилиш” деб номланиб, ХЎАТБ “Давр банк” бош офиси фаолияти таҳлили, ХЎАТБ “Давр банк” бош офисида инвестиция портфелини оптималлаштириш ва улар асосида, тижорат банкларини фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва уларнинг ривожланиш босқичлари

Мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришда инвестицияларнинг аҳамияти бекиёс. Ҳар йили ҳукуматимиз томонидан йиллик инвестиция дастури ишлаб чиқилиб, унда йил давомида амалга ошириладиган устувор йўналишлар белгилаб олинади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди¹”.

Дарҳақиқат, инвестициялар мамлакат иқтисодиётини юксалтириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, юксак технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уни модернизациялашнинг зарурий шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Биз ривожланган мамлакатлар қаторида бўлиш, дунё миқёсидаги фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланишни мақсад қилган эканмиз, бунинг учун мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш йўлида тинмай ҳаракат қилмоғимиз даркор.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар миқдори 22067,0 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этиб, 2005 йилга нисбатан солиштирма нархларда унинг ўсиш суръати 2,9 мартадан зиёддир.

1.2. Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолият ва инвестицион сиёсат

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 34 б.

Сўнгги йилларда инвестицияларга бағишлаган чет эл таржима, россиялик ва ўзбекистонлик иқтисодчи-олимларнинг илмий тадқиқотлари кўпаймоқда. Лекин шунга қарамасдан ҳар бир тадқиқотчи инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, мазмуни ва таснифланишини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишда ўзгача тадқиқот услуги ва йўналишларига эга бўлиб қолмоқда.

Инвестициялар турли шакл ва кўринишларда бўлишлари мумкин. Муайян белгиларига кўра уларнинг турлича тасниф гуруҳлари мавжуд (1.1-жадвал). Таснифлаш асосида одатда, муайян мезонлар ётади.

Бундай таснифлашдан мақсад уларни таҳлил қилиш ва режалаштиришнинг тизимли асосларини яратишдир.

1.1- жадвал

Инвестицияларнинг таснифланиши

т\р	Тасниф белгиси	Инвестицияларнинг турлари
1	Қўйилма объектига кура	1. Реал 2. Молиявий 3. Интеллектуал
2	Қўйилма муддатига кўра	1. Қисқа муддатли 2. Ўрта муддатли 3. Узоқ муддатли
3	Инвестициялаш мақсадига кўра	1. Тўғридан-тўғри,(бевосита) 2. Портфелли (билвосита)
4	Иқтисодиёт соҳасига кўра	1. Ишлаб чиқариш 2. Ноишлаб чиқариш
5	Мулкчилик шаклига кура	1. Хусусий 2. Давлат 3. Чет эл 4. Аралаш
6	Риск нуқтаи-назаридан	1. Агрессив 2. Мўътадил 3. Консерватив

Инвестициялар ва инвестицион фаолият бир-бирига жуда яқин тушунчалар ҳисобланади.³ Инвестицияларга берилган таърифга мувофиқ,

³ Инвестиционная деятельность: /Н.В. Киселева, Т.В. Боровикова, Г.В. Захарова и др. //Под ред. Г.П. Подшиваленко и Н.В. Киселевой. –М.: КНОРУС, 2005. С.13.

инвестицион фаолият асосан икки босқичдан ташкил топади. Инвестициялар ҳаракатининг биринчи босқичида инвестицион ресурслар инвестициялаш объектларига қўйилади, яъни инвестицион фаолият юз беради. Иккинчи босқичда эса инвестицион объектларга қўйилган қўйилмалардан олинадиган даромад, самара акс этади.

Инвестицион фаолиятга тор ва кенг маънода таъриф бериш мумкин. Тор маънода инвестицион фаолият ёки инвестициялаш ресурсларни қўйилма сифатида қайта йўналтириш яъни, қайта тиклаш жараёнини ўзида акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаган ҳолда, жамғармаларни қайта тиклашдан иборат бўлади. Кенг маънода эса инвестицион фаолият – бу даромад (самара) олиш мақсадида инвестициялаш объектига маблағ қўйиш билан боғлиқ фаолиятдир. Яъни, қийматни капиталлаштириш, жамғармаларни кўпайтириш мақсадларида ресурсларни у ёки бу инвестицион объектга йўналтиришдан иборат. Мана шу жараёни инвестицион цикл ёки инвестицияларнинг доиравий айланиши дейиш мумкин. Бу ерда шуни таъкидлаб утиш керакки, инвестицияларнинг ўзлари ҳам инвестицион фаолиятнинг объекти сифатида иштирок этади. Инвестициялар ўзларининг иқтисодий табиатида кўра мавҳум тушунча ҳисобланса, инвестицион фаолият кўзда тутилган аниқ иқтисодий, ижтимоий натижага эришиш учун объектларнинг муайян ҳатти-ҳаракатлари, фаолиятлари мажмуидир.

Инвестицион муносабатларнинг бундай томонлари мамлакат ичкарисидаги ҳукумат томонидан ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қарорлар ва қонун-қоидалар билан яратилади. Инвестицион фаолиятни самарали олиб боришга қаратилган ҳукумат томонидан қабул қилинадиган тадбирлар тизимида инвестицион сиёсат дейилади. Демак, инвестицион муҳитнинг кейинги босқичи кўпроқ инвестицион сиёсатга тааллуқли бўлиб, давлат мамлакат ичкарисида инвестицион фаолиятни ҳукумат тадбирлари орқали мувофиқлаштириб боради.


1.3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инвестицион фаолиятни молиялаштиришда тижорат банкларининг ўрни

Тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш салоҳияти, биринчи навбатда, уларнинг ресурс базаси етарлилиги билан белгиланади. Ўз навбатида, мамлакатимиз тижорат банкларининг ресурс базаси икки йирик қисмдан, яъни депозит ва капитал базасидан иборат. Сўнгги йилларда республика банкларининг ялпи капитали фақат ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда (1.1 расм).

Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортимоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир⁴.

⁴ Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. —Т.: Ўзбекистон, 2013. — 34 б.



**1.1-расм. Ўзбекистон Республикаси банкларининг ялпи капитали
(йил бошига, млрд.сўм)***

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ҳисобланди.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики сўнгги беш йил давомида банкларнинг ялпи капитали 3,5 баравардан кўпроқга ошган, бу республика банклари фаолиятининг барқарорлигини ва олиб борилган оқилона сиёсат натижасида банклар капиталлашув даражасининг йилдан йилга ўсиб борганлигини билдиради. Республика тижорат банкларининг капитал базаси таркиби ҳам сўнгги йилларда турлича ўзгарган. 2012 йилда 2007 йилга нисбатан банкларнинг устав капитали миқдори 3,0 бараварга ошган бўлса, захира капитали мос равишда камайган (1.1-жадвал).


1.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капитал базаси таркиби
ва динамикаси (жамига нисбатан фоизда)***

Регулятив капитал таркиби	Йиллар					
	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Устав капитали	13,5	17,6	24,9	28,1	25,9	41,3
Захира капитали	75,8	70	61,5	57,3	55,4	46,2
Жорий йил фойдаси	5,1	4,8	8,2	7,5	9,8	6,3
Таксимланмаган фойда	5,5	7,2	5,3	6,1	7,9	6,1
Капиталнинг бошқа элементлари	0,1	0,4	0,1	1	1	0,1
Жами регулятив капитал	100	100	100	100	100	100

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ҳисобланди.

Тижорат банклари ресурслар базасининг иккинчи қисми бўлган депозит маблағларининг миқдори ҳам сўнгги 5 йилда ўсиш тенденциясига эга (1.2-расм).



1.2-расм. Банкларидаги жами депозитлар (млрд.сўм)*

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ҳисобланди.

Шуниси эътиборлики, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акцияларига дивидендлар тўланмаслиги мумкин. Тўланмаган дивидендлар кейинги йилларда тўлаб берилмайди. Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш уларнинг узоқ муддатли депозитлари миқдорини, капитализация даражасини оширади ва шунинг асосида банкларнинг инвестицион фаолиятни молиялаштириш мақсадида бериладиган инвестицион кредитлари ҳажмини кескин ошириш имконини беради.

1-боб бўйича хулосалар

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган. барча тармоқ ва соҳаларнинг барқарор фаолият олиб боришига қаратилган. Ушбу жараёнларда тадбиркорлик фирмалар фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фирмалари бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида ташкил этилиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ҳажмини камайтиришда алоҳида ўрин эгалламоқда. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг таркибида юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар турлари ортиб бормоқда.

Тадбиркорлик фирмаларининг асосий мақсади бўлиб, максимал фойда олиш ҳисобланади. Ушбу жараёнларда фирмаларнинг фаолиятини талаб ва таклиф қонунларини ўзида мужассамлаштирган бозор механизми мувофиқлаштириб туради.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда фаолият олиб бораётган фирмалар муҳим рол ўйнамоқда. Бугунги кунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 54,6 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида аҳолининг иш билан бандлиги даражаси ҳамда даромадлари ортиб бормоқда.

Давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши учун турли хил имтиёзлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, улар фаолият турини танлашда, банклардан кредит ресурсларини олишда, ишлаб чиқариш фаолияти бўйича ҳисоботларни топиширишда, фаолиятини турли хил текширишлардан ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга.

II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛИ

2.1.Тижорат банкларини инвестицион фаолият олиб боришининг асосий максоди

Ривожланган иктисодиётда тижорат банклари уз фаолиятини доимий равишда усиб боровчи ракобат шароитида амалга ошириладилар. Улар узаро ва бошка кредит – молия муассасалари билан, шу жумладан, охириги вақтда таклиф этилаётган ҳар хил янги хизмат турларини амалга оширувчи хорижий банклар билан ракобатлашадилар. Ракобат шароитида тижорат банклари фаолиятининг асосий йуналишларидан бири – кредитлаш - инвестициядан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

Инвестиция – бу хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қўғозларига узок муддатга қуйилган маблағлардир.

Биринчидан, банк кредит берганда, банк маблағларини нисбатан қисқа вақт ичида фойдаланишга беради ва кредит суммаси ҳамда у бўйича фоиз ставкасини уз вақтида қайтаришни талаб қилади. Инвестицияда эса қуйилган маблағлар (қуйилмалар) ҳали уз эгасига қайтиб қелишидан олдин узок давр мобайнида банкка даромад олиб қелишини билдиради.

Иккинчидан, банк кредит муносабатларини юзага қелтириш бўйича ташаббус қарз оловчи томонидан ўртага ташланадиган бўлса, инвестицияда эса қимматли қўғозлар бозорида активларни сотиб олишга интилувчи тижорат банки ташаббус қурсатади.

Учинчидан, банкнинг кредит шартномасида банк қам миқдордаги кредиторлар орасида асосийдир. Инвестицион шартномаларда эса тижорат банки қўплаб кредиторлардан биридир.

Туртинчидан, банк кредитида банк ва қарз оловчи бевосита кредит шартнома орқали боғланган бўлиб, уларнинг фаолиятига ҳеч қим аралашмайди. Инвестицияда эса турли хил қимматли қўғозлар орқали қорхона, ташкилотларнинг фаолияти билан банкнинг фаолияти боғланиб

кетади. Бу ҳолат бугунги кунда инвестициялашда банк кредитларининг аҳамияти ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолият олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилигини (банкнинг фаолияти буйича мажбуриятларини уз вақтида бажара олиш қобилияти) таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банкларининг инвестиция сиёсати банк фаолиятининг асосий йуналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлайди. Банкларнинг инвестицион фаолияти турли хил қимматбаҳо қўғозлар: оддий ва имтиёзли акциялар, облигациялар, давлат қарздорлик мажбуриятлари, депозит сертификатлари, вексель ва бошқаларга маблағларини қўйиш орқали амалга оширилади.

Алоҳида олинган давлатларда банклар тизимининг ривожланиши ва банклар ўтказадиган операцияларнинг турлари ва қуламига қараб уларнинг инвестицион фаолияти турли йуналишларга қаратилган бўлиши ва шу операциялар турлари буйича олинадиган даромад салмоғи ҳам турли хил бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, фойиз ставкаларининг ошуви салбий ва ижтимоий томонларга эга бўлади - қимматли қўғозларнинг фойиз ставкалари ошганда маблағларни инвестиция қилиш банкка фойда келтириши мумкин, Аммо юқори фойиз ставкалари уз навбатида банкнинг инвестиция портфелининг қардсизланишини билдиради. Бундай ҳолат қимматли қўғозлар бозорида юз берганда, амалиётида банкнинг инвестицион маблағлари боғланган ёки «ёпилган» дейилади. Қимматли қўғозларнинг алоҳида турлари буйича даромадлик даражаси фойиз ставкасининг узғариши билан боғлиқ бўлган ҳолларда қимматли қўғозларнинг муддати муҳим урин тутади, қимматбаҳо қўғознинг амал қилиш муддати қанчалик қисқа бўлса, Унинг баҳоси ҳам шунчалик барқарор, аксинча, муддати қанчалик узок бўлса, ушанчалик фойиз ставкалари даражаси узғариши тебранишлар таъсирига учрайди.

Кимматли қоғозлар нархлари орасидаги манфий фарк уларнинг муддатига қараб турлича бўлиши қисқа муддатли кимматли қоғозлар узок муддатлиларига қараганда миждозларда купрок кизиқиш уйғотиши мумкин.

2.2.Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти ва инвестиция портфелини шакллантириш усуллари

Тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади - даромад топишдир. Халқаро амалиётда банкларнинг даромад топишга йўналтирилган фаолияти актив операциялар деб номланади. Тижорат банкларининг ўзлик ва юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб этиш натижасида маълум даромад топиш учун ўз номидан фойдаланишдаги фаолияти актив операциялардир. Тижорат банкларининг актив операциялари жуда хилма-хилдир, лекин халқаро амалиётда актив операциялар қуйидаги асосий турларга ажратилади:

- юридик ва жисмоний шахсларга турли муддатлар ва турли мақсадларга ҳамда турли шартлар асосида кредитлар бериш;
- банк миждозларига хар хил воситачилик хизматларини кўрсатиш;
- давлат ва бошқа юридик шахсларнинг қимматли қоғозларига ўз номидан ва ўз хисобидан инвестиция қилиш;
- лизинг операцияларини амалга ошириш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;
- миждозларга бошқа турдаги анъанавий ва ноанъавий банк хизматларини кўрсатиш.

Тижорат банклари актив операцияларни олиб бориш йўли билан даромад олишга ҳаракат қилади, лекин бу фаолиятни олиб бориш жараёнида тасдиқланган қонунчилик меъёрларига амал қилишлари лозим. Тижорат банклари ўзлари учун ўрнатилган ликвидлик даражасини сақлаб туришлари ҳамда олиб борилаётган актив операцияларининг турлари

бўйича юзага чиқиши мумкин бўлган қалтисликларни оқилона тақсимлашлари шарт. Амалдаги қонунчиликка асосан тижорат банклари ўзларининг активларининг маълум қисмини даромад келтирмайдиган ҳамда жуда кам миқдорда даромад келтирувчи активларга йўналтирилади. Масалан, даромад келтирмайдиган активга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб рақамида сақланадиган мажбурий захираларни, асосий воситаларни, жихозлар ва буюмларни, ҳамда кам миқдордаги даромад келтирувчи активга эса кассадаги нақд пулни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ўз ихтисосига асосан турлича актив операциялар олиб борадилар. Ушбу омил асосида тижорат банклари балансининг таркибида активларнинг салмоғи турлича бўлади, чунки баъзи тижорат банклари асосан кредит операцияларини олиб боради.

Амалда тижорат банкларининг инвестицияларига – банк активининг сўндирилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлган қимматли қоғозларга қўшимча даромад олиш учун йўналтирилиши ҳисобланади. Агар тижорат банки, эмитентларнинг муомалага чиқарган қимматли қоғозларни ҳар хил миқдорда харид этиб олса, бу қўйилмаларни диверсификация қилишда ушбу банкнинг инвестиция портфели ҳақида гапириш мумкин. Тижорат банкларининг инвестиция портфелини бошқаришнинг моҳияти эса бошқа инвесторларнинг инвестиция портфелини бошқаришидан асосан фарқ қилмайди. Бу ерда бошқа инвесторлар дейилганда инвестиция институтлари, йирик субъектлар ва холдинг компаниялари назарда тутилмоқда. Инвестиция портфелини бошқариш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- портфелни режалаштириш;
- портфель таркибини таҳлил этиш ва уни тартибга солиб туриш;

- портфелни шакллантириш ва уни сақлаб туриш учун керакли ликвидлик даражасига амал қилиш;
- портфелни бошқарув фаолиятидаги харажатларни камайтириш ва бошқалар.

Тижорат банклари ўзларининг бўлажак инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда ва инвестиция портфели хажми ҳамда унинг таркибини аниқлашда энг аввало улар қимматли қоғозларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эътиборни қаратадилар:

- фойдалилик;
- ликвидлилик (самарадорлик);
- капитални ошириш манбаи;
- ишончлилик даражаси;

Банк рискларини баҳолашнинг яна бир усули таҳлилий (комплекс) усул бўлиб, бу усул ўйинлар назарияси унсурларининг қўлланишига асосланади. Ўйинлар назарияси элементларидан фойдаланган ҳолда вазифаларни хал қилиш жараёни жуда катта ва кўп вақт сарф қилинади. Шу сабабдан бу усулни қўллаш ҳозиргача иқтисодий жиҳатдан мақсадга унчалик мувофиқ бўлмаслиги мумкин.

2.3. Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида ахборот технологияларини қўллаш услуги

Миллий иқтисодиётнинг янада ривожланиши банкларнинг ва банк тизимининг ролини кучайтиришни тақозо этмоқда. Банк - бу мамлакатдаги пул маблағларини бошқариш учун яратилган молия институтидир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг бош мақсади жаҳон талабига мос келувчи, ривожланган миллий кредит тизимига эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш, уни самарали тақсимлаш асосида аҳолининг талабларини қондириш учун замин

яратиш ва яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборат. Бу мақсадга эришишни таъминлаш учун мамлакатимиз банк секторининг ривожланишини таъминловчи зарурий макроиқтисодий шароитларни ҳамда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, банк назорати тизимини ва банклар фаолиятини бошқариш усулларини такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит ва инвестиция фаолиятининг янада ривожлантиришга эришиш ва банклар ўртасида рақобат бўлишини таъминлашга асос яратишдан, молия-кредит секторининг моддий-техник жиҳатдан самарали таъминланганлигига эришиш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутди.

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини бартараф этиш, банкларнинг барқарорлиги таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари муҳим рол ўйнамоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов банк-молия тизимини ривожлантириш, замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш масалаларига жиддий эътибор бериб қуйидагиларни таъкидлаган: “Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгिलाш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш - Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир”¹.

Банк автомалаштирилган ахборот тизимлари (БААТ) маблағ киритиш ва кредит беришнинг берилган шартлари бўйича назорат қилинадиган маблағларни ўзлаштириш, қайтарилиши ва мувофиқлаштирилишини жадаллаштириш воситаси бўлган ягона дастурий технологик мажмуадан иборат бўлади. БААТ банк вазифалари алоқаларининг бутун мураккаблигини ўзида акс эттирилган ҳолда мажмуавий қамраб олади. Бу мукамал автоматлаштирилган вазифалар мажмуаси эмас, балки мураккаб тизимнинг хусусиялари: иерархик

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

тузилишининг мураккаблиги, эмергентлик, вазифавий мақсадларнинг кўплиги; стохастик (эҳтимоллик) характериға эға жараёнларни бошқаришни таъминлашда ишнинг ўзгарувчанлиги ва кўп вазифаликка хос бўлган дастурлар мажмуасидир. Шунинг учун ҳам мужассамлашган БААТ ни ишлаб чиқишда унинг таркибий тузилиши ва мазмуниға таъсир қилувчи кўп сонли омиллар:

- кирувчи ва чикувчи ҳужжатларнинг миқдори;
- тизимнинг архитектураси ва автоматлаштириш керак бўлган вазифаларининг таркиби;
- банкнинг умумий таърифлари, ҳозирги ва келгусидаги мақсадлари ва уни ривожланишининг стратегик йўналишларини, бошқарувнинг вужудға келган тузилишининг хусусиятлари;
- ахборот хавфсизлигига талабларни таҳлил қилиш талаб қилинади.

Бундай таҳлил асосида бўлғуси тизимнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилади.

Банк тизимида ахборот технологиялари ва зарурий дастурий таъминот асосида кредит рискларини оптималлаш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун махсус дастурий воситалар ҳамда оммавий фойдаланувчилар учун мўлжалланган дастурлардан фойдаланиш мумкин. Бундай дастурий воситалар сирасига Excel дастурий воситасини келтириш мумкин.

Банк рискларининг мазмуни ва моҳияти ўрганилган ҳолда, фойдаланувчининг қўйилган масаласига қараб, унинг мавжуд билимлари ва Excel-технологияси имкониятлари ўртасида ечиладиган масала ўртасида “кўприкча” қурилади. Бунда мутахассиснинг кундалик иш фаолиятида Excel – оптимизатори ёрдамида иқтисодий масала ечими натижаларини тезроқ олиш ва фойдаланиш мақсадида масаланинг математик қўйилишисиз мисоллар келтирилади.

Excel-технологияларининг соддалиги. Электрон жадваллар (ЭЖ) фойдаланувчига масаланинг қўйилиши ва дастурлашға вақт сарфламасдан

турли хилдаги оптималлаш масалаларини ечишга кенг имкониятлар беради. Агар фойдаланувчи олдида қўйилган масаланинг мазмунини яхши тушунса, унинг тури ва ечиш усулини ҳамда ЭЖнинг махсус воситаларини билишга эга бўлса, унда масалани ечиш усули қулай ва самарали омилга айланади.

Бошланғич маълумотларни киритгач, масаланинг шартлари билан танишиш босқичларида ва ечимини режалаштиришда фойдаланувчи Excel мулоқот ойнасида мақсад функцияси ва унинг экстремуми учун ячейкалар кўрсатади, масала ечимини жойлаштириш ячейкалар диапазонини ажратади, мураккаб бўлмаган арифметик формулаларни киритади ва масала чегаравий шартларини ўрнатади. Ушбу жараён аслида масаланинг иқтисодий қўйилиши дейилади, натижада Excelда автоматик равишда мавжуд дастурий модулар ёрдамида бажариладиган аниқ оптималлаш масаласининг математик модели тузилади.

Ҳақиқатда эса мулоқотли (интерфейсли) ва дастурий воситалар ҳамда ечиладиган масалани аниқлаш жараёнини оптималлаштирувчи муаммо моделининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ. Агар масала тўғри қўйилган бўлса, яъни унга хос хусусиятга мос равишда масала модели тузилади, сўнг эса ечими ҳосил қилинади, акс ҳолда масаланинг ечими мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар берилади.

Excel дастури фойдаланувчилар учун оптималлаштирувчи моделлар ҳақида маълумотларни тўплашга қулай воситаларни таъминлайди ҳамда олинган ечимлар вариантларини (олдиндан тузилган иқтисодий-математик моделлар асосида) уч хил турдаги стандартлашган шаклдаги ҳисоботларни беради ҳамда масалани ечиш сценарийларини компьютер хотирасида сақлашга имкон беради. Excel дастуридаги ушбу оптимизаторни юқори малакали менежерлар-аналитикларнинг “ўйин” сериялари сценарийларида кенг қулайлик яратади, яъни иқтисодий жараёнлар бўйича турли хил альтернатив лойиҳаларнинг кўп вариантли ечимларини тадқиқ қилишга ҳар томонлама ёрдам беради.

Оптималлашдиган масаланинг аломатлари. Excelдаги оптимизатор модули ёрдамида ечиладиган масалаларга хос бўлган уч хил аломатлар мавжуд:

- 1) мақсад функция ячейкаси;
- 2) масаладаги ўзгарувчилар ячейкалари;
- 3) масала чегаравий шартлари ячейкаларининг мавжудлиги.

2-боб бўйича хулосалар

Тадбиркорлик фирмаларида қарорлар қабул қилишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, иқтисодий-математик усуллар ҳисобланади. Ушбу усуллар анъанавий усуллардан фарқ қилиб, иқтисодий жараёнлардаги ҳали аниқланмаган қонуниятларни топишга ва миқдорий баҳолашга имкон беради. Бу эса ўз навбатида фирмалар томонидан мос келувчи қарорларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Фирмалар фаолиятини таҳлил қилиш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда оптималлаштириш усуллари кенг фойдаланилади. Оптималлаштириш усуллари тақчил ресурсларни самарали тақсимлаш, фирмалар учун фойда келтирувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини камайтириш йўллари топишга имкон беради.

Оптималлаштириш масалаларининг асосий фарқланувчи томони шундаки, уларда мақсад функцияси ва чегаравий шартлар иштирок этади. Фирмалар бир пайтнинг ўзида ҳам мавжуд тақчил ресурслардан фойдаланган ҳолда максимал фойда олиш масалаларини ҳал қилишлари лозим бўлади.

Эконометрик усуллар ёрдамида фирмалар фаолиятининг турли кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинади ва маълум бир даврга прогноз қилишга имкон беради. Эконометрик моделларни тузишда энг кичик квадратлар усулидан кенг фойдаланилади.

Тузилган эконометрик моделларнинг ўрганилаётган жараёнга мос келиши, ундаги параметрларнинг ишончилиги турли хил мезонлар

ёрдамида текширилади. Текшириш жараёнида ҳисобланган қийматлар жадвал қийматларидан катта бўлиши талаб этилади.

III-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

3.1. ХЕАТБ “Давр банк” бош офиси фаолияти таҳлили

Ҳозирда замонавий бозор иқтисодиётида банк тизими иқтисодиётнинг барча соҳаларга боғлиқлиги билан тараққиётда муҳим ўрин эгаллайди. Банкнинг асосий фаолиятларидан бири бу кредит шартномаларини тузишдан иборат. Бунда у бир томондан омонатчилардан кредитга пул олиб, бошқа томондан шу олинган пуллар ҳисобига кредит беради. Банк ўзининг бошқа операциялари, яъни ҳисоб-китоб ва бошқалардан улароқ, кредит бериш жараёнида жуда ҳам катта таваккалчиликка дуч келади. Бунда банк кредит олувчи ликвидлигини тўғри аниқлай билиши лозим, акс ҳолда бу банк инқирозга юз тутиши муқаррар.

Ҳозирда жаҳон молиявий инқирози барча давлатлар иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказаяётган бир пайтда, кредит олувчини тўлаш қобилиятини ҳисобга олмай туриб, унга кредит бериш мумкин эмас.

ХЕАТБ “Давр банк” бош офиси кредитлар бўйича асосий шартлар қуйидагича:

- Истеъмол кредити олувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши ҳамда унинг ёши 18 ёшдан 60 ёшгача бўлиши лозим (Кредит даври ҳисобга олинади, яъни 3 йил муддатга истеъмол кредити олиш учун кредит сўровчининг ёши камида 57 ёшдан ошмаган бўлиши лозим)
- Ипотека кредитини олиш мақсадида Ариза тақдим этган жисмоний шахснинг ёши 18 ёшдан 30 ёшгача бўлиши , никоҳ тузилганлиги ва биринчи никоҳдан ўтган бўлиши лозим;
- Кредит сўровчи меҳнатга лаёқатли ва расмий даромадга эга бўлиши лозим;

- Истеъмол кредити муддати – 3 ойдан 3 йилгача;
- Ипотека кредити муддати – 15 йилгача;
- Кредит фоизлари – йиллик 12% дан 18% гача;
- Ипотека кредит олиш учун энг камида уй-жой қийматининг 25% миқдорида аванс тўланиши лозим (Аванс уй-жой қийматининг 50% идан кам миқдорда топширилганда, қарз сўровчининг молиявий ҳолати кредит бўйича ойлик тўловларни тўлашга етарли бўлиши лозим; агарда аванс уй-жой қийматининг 50% ва ундан кўп миқдорда топширилса, қарз сўровчининг молиявий ҳолати, яъни даромади кредит бўйича ойлик тўловларни тўлашга етарли бўлмаса ҳам кредит берилиши мумкин);
- Бадал тўлови – товар қийматининг энг камида 30% миқдорида (Кам таъминланган ва ёш оилалар бундан мустасно);
- Кам таъминланган ва ёш оилалар учун – товар қийматининг энг камида 10% миқдорида.
- Кредит ҳисобига сотиб олинаётган уй-жой, кредит таъминоти сифатида нотариал гаровга олинади;

Кредит олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Кредит олиш тўғрисида Ариза ва Анкета (Банк томонидан ўрнатилган шаклда ариза ва анкета тўлдирилади), шунингдек кредит олиш жараёнида алоқадор жисмоний шахс қатнашса, алоқадор жисмоний шахс томонидан ҳам Ариза ва Анкета тўлдирилади;
- Никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- Биринчи никоҳ тўғрисида маълумотнома;
- Паспортнинг асл нусхаси;
- Доимий яшаш жойидан маълумотнома (Оила аъзолари кўрсатилган ҳолда) ва Ариза тақдим этган жисмоний шахснинг паспорт нусхаси, шунингдек кредит олиш жараёнида алоқадор жисмоний шахс қатнашса, унинг паспорт нусхаси ҳам тақдим этилади;

- Асосий олди–сотди шартномаси (Нотариус орқали) расмийлаштирилишига қадар, банк томонидан ўрнатилган шаклда олди–сотди шартномаси (Олди-сотди шартномаси Сотувчи ва Сотиб олувчи ўртасида тузилади) тузилади ва банкка тақдим этилади;

- Истеъмол товари сотиб олиш учун олди – сотди шартномаси;

- Сотувчининг уй-жойга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал нусхалари;

- Асосий ва қўшимча иш жойидан охирги 12 ой учун тақдим этилган даромади тўғрисида маълумотнома (Маълумотномада даромад солиғи ва пенсия тўловлари ҳақида маълумот бўлиши шарт), шунингдек кредит олиш жараёнида алоқадор жисмоний шахс қатнашса, унинг асосий ва қўшимча иш жойидан охирги 12 ой учун даромади тўғрисида маълумотнома ҳам тақдим этилади;

- Уй-жой қийматининг (келишилган қиймати) энг камида 25% миқдорида аванс тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (Аванс тўлови ариза тақдим этган жисмоний шахс номига очилган депозит ҳисобрақамга жойлаштирилади);

- Мустақил баҳоловчи томонидан кредит ҳисобига сотиб олинаётган уй-жойнинг бозор нархини аниқлаш бўйича ҳисоботи тақдим этилади.

Юқоридаги ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг, кредит сўровчи томонидан бадал тўлови амалга оширилиши лозим.

3.2. ХЕАТБ “Давр банк” бош офисида инвестицион фаолиятини оптималлаштириш

ХЕАТБ “Давр банк” бош офисида кредит портфели рискинни оптималлаштириш масаласини ҳал этишда иқтисодий-математик усуллар ва моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки иқтисодий-

математик усуллар ва моделлар бир пайтнинг ўзида бир неча мақсад мезони бўйича оптимал ечимларни бериш имкониятига эга:

- 1) Банк даромадини максималлаштириш.
- 2) Инвестиция портфели рискин минималлаштириш.

Ушбу мезонлар ёрдамида банк инвестиция портфелини оптималлаш натижасида кўп вариантли ечимлар олинади.

ХЕАТБ “Давр банк” бош офисида инвестиция портфели рискин оптималлаштиришда турли хил моделлардан фойдаланиш мумкин. Тижорат банклари инвестицион портфелини оптималлаштиришда учта моделдан: Марковиц, Шарп ва «Квази-Шарп» моделларидан фойдаланилади. Агар биринчи ва иккинчи моделлар классик модел бўлса, «Квази-Шарп» моделини ривожланаётган мамлакатлар хусусиятидан келиб чиқиб яратилган.

Ҳар қандай инвестиция портфелининг асосий характеристикаси бўлиб унинг даромадлиги ва риск кўрсаткичи ҳисобланади. Риск деганда кутилатган даромадни олаолмаслик имконияти ёки ушбу портфелга жойлаштирган маблағларни йўқотиш тушунилади. Қоидага кўра, риск кўрсаткичи паст бўлган инвестиция портфели унча катта бўлмаган даромадлиликни таъминлайди, катта даромад келтирувчи инвестиция портфели рискиннинг катта кўрсаткичларига эга бўлади. Рискни барча инвестиция портфели учун ягона бўлган бозор ва аниқ кредит учун индивидуал турларга бўлиш мумкин. Пул маблағларини турли инвестиция портфелларига жойлаштириб, яъни инвестиция портфелини шакллантириб, индивидуал рискни камайтириш мумкин: агар баъзи инвестициялар бўйича даромадлар ва зарарлар паст бўлса, унда бошқалари буни ўзининг юқори даромадлиги билан қоплайди.

Портфелда қанчалик кўп турдаги кредитлар бўлса, яъни у диверсификация қилинган бўлса, у ҳолда индивидуал риск паст бўлади.

Ҳар бир банк инвестиция портфели бўйича ўзининг риск ва даромадлиликни баҳоловчи шкаласига эга. Инвестиция портфелини

оптималлаштиришнинг мақсади бўлиб, инвестициянинг шундай портфелини шакллантириш ҳисобланади, натижада у банкнинг даромадлилигига ва риск даражаси бўйича банк талабига жавоб берсин.

ХЁАТБ “Давр банк” бош офисида инвестицион портфелни оптималлаштириш масалаларини ечиш бўйича 10 дан ортиқ вариантда (вариантлар иловада келтирилган) оптималлаштириш масалалари ечилди. Вариантлар иловада келтирилган Масаланинг мақсад функцияси бўлиб, банкнинг даромадлилигини максималлаштириш ва рискларни минималлаштириш ҳисобланади. Чегаравий шартлар бўлиб, инвестиция портфелида қимматли қоғозлар улуши, қимматли қоғозларнингнинг рейтинг кўрсаткичлари, қайталиши муддати ва риск даражаси олинди.

3.3. Ўзбекистонда инвестицион жараёнларни такомиллаштириш йўналишлари

2012 йилда пул-кредит сиёсати “Монетар сиёсатнинг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” асосида амалга оширилиб, иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифалари, хусусан белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилди.

Бунда, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларига мувофиқ иқтисодиётнинг пулга бўлган ошиб бораётган талабини тўлиқ қондириш ва банк тизими ликвидлигини мақбул даражада сақлаб туриш орқали инфляция даражасини белгиланган мақсадли параметридан оширмаслик мақсадида Марказий банк ўз тасарруфидаги пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланди.

Диссертация ишида юқорида келтирилган модель ёрдамида ХЁАТБ “Давр банк” маълумотларидан фойдаланиб, унинг инвестиция портфелини

оптималлаштириш масаласи қўйилди. Унинг мақсад функцияси бўлиб, кредит портфелининг даромадлилигини максималлаштириш ҳисобланади. Чегаравий шартлар бўлиб, инвестиция портфелида қимматли қоғозлар улуши, қимматли қоғозларнингнинг рейтинг кўрсаткичлари, қайталиши муддати ва риск даражаси олинди.

Хулоса ва таклифлар

Республикамизда миллий иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш корхоналарни техник ва технологик жихатдан қайта қуроллантириш ҳамда бошқарув жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат.

Ҳозирги кунда республикамиз банк тизимидаги барча операциялар ахборот технологияларини қўллаш асосида амалга ошириб келмоқда. Тижорат банклари локал ва глобал тармоқдан фойдаланиб банк операцияларини оператив равишда бажарадилар, бу эса бошқарув қарорларини тез ва самарали қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Банк ташкилотлари катта миқдордаги миждозларга кредитлар бериш операциялари билан шуғулланади. Албатта, бундай шароитларда ҳамма миждозларнинг молиявий ҳолатини бир хил деб бўлмайди ҳамда тақдим этилган кредитларни ўз вақтида қайтарилиши муаммоли масалага айланди.

ХЕАТБ “Давр банк” бош офисининг инвестиция ресурслари ўз маблағлари, бош офисда хизмат кўрсатилаётган корхона, ташкилотлар ҳисобрақамларидаги маблағлар, шунингдек, омонат сифатида қабул қилинган маблағлар, муайян муддатга ва талаб қилиб олгунча жалб қилинадиган фуқаролар қўйилмалари, бошқа банклар кредитлари ва депозитлари, бошқа жалб қилинган маблағлар, амалиёт йили давомида тақсимланмаган фойда ҳисобланади.

ХЕАТБ “Давр банк” бош офиси ушбу инвестиция ресурсларидан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари корхоналари фаолиятини

инвестициялашда фойдаланади. Берилган инвестициялар ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун филиал томонидан ўзига хос механизм ишлаб чиқилган.

Инвестицияолувчининг инвестиция олиш тарихи ўрганиб чиқилади ва аввал олган кредитни қайси ҳолда тўлагани тўғрисида маълумотлар қайта ишланади. Агар мижозлар янги бўлса, уларнинг бизнес-режалари таҳлил қилинади ва инвестиция бериш бўйича қарор қабул қилинади.

ХЕАТБ “Давр банк” бош офисида инвестициялаш жараёнида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Банкда инвестицион жараёнини ахборот технологияларини қўллаш ва маълумотларни автоматлашган ҳолда таҳлил этиш лозим.

2. Инвестицион жараёнида ташкилот ва корхоналардан доимо ахборот олиб туришни ташкил этиш.

3. Янги мижозлардан инвестицияларни олиш тўғрисидаги бизнес-режаларини батафсил ўрганиб чиқиш лозим.

4. Банкнинг фойдасини ошириш мақсадида янги турдаги инвестицион лойиҳаларни таклиф этиш.

5. Банкда ижро интизомини мустаҳкамлаш учун ҳужжат бўйича бажариладиган ишларни масъул ходимларини тайинлаш керак.

6. Махсус дастурий воситалар ёрдамида банк фаолияти асосий кўрсаткичларининг (энг аввало кредит бериш жараёнларини) аввалги йиллардаги (ретроспектив) ҳолати таҳлил қилиниб борилиши лозим.

7. Инвестицион лойиҳаларни олган мижозларнинг молиявий ҳолати устидан мониторинг олиб бориш зарур.

9. Банк томонидан молиявий барқарор бўлган корхоналарга кредит бериш амалиётини янада такомиллаштириш зарур.

10. Банк мижози бўлган корхоналар фаолиятини ўрганишда кластер усулидан фойдаланиш лозим. Ушбу усул кредит олувчи корхоналарни барқарор, ўртача ва кредит тўлашга қобилияти йўқ деб номлаган

гуруҳларга бўлиш орқали банк томонидан оптимал қарорлар қабул қилишга имконият беради.

Ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар ХЕАТБ “Давр банк” бош офисининг барқарор фаолият олиб боришига, миждозлар ва банк ўртасида мустаҳкам алоқаларни таъминлашга ҳамда банкнинг соф фойдасини ортиб боришини таъминлайди

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Адолат, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар тўғрисида» Қонуни. //«Халқ сўзи», 1996 й., 11-феврал.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. –Т.: Адолат, 2004.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» Қонуни. //«Халқ сўзи», 2004 йил 29-апрель.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида» Қонуни. //«Халқ сўзи», 2004 й., 21-май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари

6. “Обод турмуш йили Давлат дастури тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 28.01.2013 й. № ПҚ-1175 сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11-мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори.
8. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони.
9. “Мустаҳкам оила йили Давлат дастури тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 07.02.2011 й. № ПҚ-1474 сон.
10. В Ўзбекистон Республикаси банклари тўғрисида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида Низом (янги тахрир). –Т.: 2008 й. 2 май.
11. «Рекомендации по внедрению систем электронного документооборота в государственных органах власти и управления Республики Узбекистан» Узбекское агентство связи и информатизации. –Т., 2006.
12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
13. “Мамлакатимизда демократик илоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”. Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 12 ноябрь, 2010 й.

14. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш”. Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 й. 30-январь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» Давлат дастури тўғрисида”ги қарори. // Халқ сўзи, 2011 й. 20-январь.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида”ги қарори. // Халқ сўзи, 2010 й. 28-январь.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирликларининг меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлари

19. “О мерах по дальнейшему развитию и модернизации предприятий текстильной промышленности и расширению производства отечественных непродовольственных потребительских товаров на 2009-2011 годы”. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 августа 2009 г. №236 //Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2009. №34. – 372 с.
20. «Рекомендации по внедрению систем электронного документооборота в государственных органах власти и управления Республики Узбекистан» Узбекское агентство связи и информатизации. –Т., 2006.
21. Марказий Банкнинг “Банк Мижоз” дастурий комплекс билан операциялар ўтказиш бўйича методик тавсиялар” тўғрисидаги Низоми, №555, 2005 й. 27 декабрь.
22. Марказий Банкнинг “Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида” ги Низоми, 2004 й. 15 апрель, №1122.
23. Положение о порядке создания и использования электронных баз данных в государственных организациях республики. Утверждено Государственным комитетом Республики Узбекистан по науке и технике, от 29.20.1995.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

24. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 34 б.
25. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
26. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация

қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

27. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
28. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220).

V. Асосий адабиётлар

29. Дубина И.Н. Математико-статистические методы в эмпирических социально-экономических исследованиях: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2010. –349 с.
30. Фомин Г.П. Математические методы и модели в коммерческой деятельности: Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2009. –380 с.
31. Голицына О.Л., Максимов Н.В., Партыка Т.Л., Попов И.И. Информационные технологии: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008.
32. Шапкин А.С. Математические методы и модели исследования операций.–М.: Дашков и К⁰, 2009. –240 с.
33. Замков О.О. и др. Математические методы в экономике. Учебник. –М.: Изд-во «ДиС», 2007. –360 с.
34. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики. Учебник для вузов, 3-е издание, М.: НОРМА - Инфра, 2007. –361 с.
35. Партыка Т.Л., Попов И.И. Математические методы: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. –421 с.
36. Эддоус М., Стэнсфилд Р. Методы принятия решения. Учебник. – М.: ЮНИТИ, 2005. –640 с
37. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. Микроиқтисодиёт: Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: Шарқ, 2001. –320 б.
38. Alimov R.X., Hakimov A.F., Yulchieva G.T., Alishov Sh.A. “Axborot texnologiyasi va tizimlari”. Darslik. – Т.: TDIU, 2007.
39. Арсеньев Ю.Н. Моделирование в условиях конкуренции: учеб. пособие /Ю.Н. Арсеньев, СИ. Шелобаев, Т.Ю. Давыдова. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006.
40. Аксенов Ю.М. Экономико-математические методы и модели: учеб. пособ. 6-е изд., испр. и доп. –М.: Инфра - М.: Новосибирск: Сибирское соглашение, 2006.

VI. Қўшимча адабиётлар

41. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга

бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи НМИУ, – 282 б.

42. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт. 2010. – 340 б.
43. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 246 б.
44. Абдуллаев А.М., Исмоилов А.А., Ишназаров А.И. Иқтисодий масалаларни ечишда компьютер технологиялари. –Т.: ТДИУ, 2010. – 100 б.
45. Горфинкель В.Ф. Экономика предприятия. –М.: ЮНИТИ, 2008. –560 с.
46. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2007. –254 б.
47. Федосеев В.В. Экономико-математические методы и прикладные модели. Учебное пособие. –М.: ЮНИТИ, 2007. –520 с.
48. Шодиев Т.Ш. ва бошқалар Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007.
49. Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Ахборот-коммуникациялар бозори: шаклланиш, тенденциялар, эконометрик моделлаштириш ва ривожланиш. Монография. – Т.: “Фан”, 2001. – 144 б.
50. Исмоилов А.А. Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башорат қилиш. – Т.: ТДИУ, 2009.
51. Алимов.Р.Х., Бегалов Б.А., Йўлчиева Г.Т., Алишов Ш.А.“ Иқтисодиётда ахборот технологиялари”. Ўқув қўлланма. Т: - “Шарқ”, 2006.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

52. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Давлат статистика қўмитаси. «Matrix Print» нашриёти. –Тошкент, 2010 й.
53. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий иқтисодиёт ривожлантириш бўйича якунлари. – Т.: Статистика давлат қўмитаси, 2010-2011.
54. “Нежин Парранда” МЧЖнинг 2005-2012 йиллар бўйича йиллик ҳисоботлари.
55. Инвестиции Республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2011. –148 с.

56. Промышленность Республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2011. –156 с.

VII. Интернет сайтлари.

57. <http://www.gov.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Хокимият портали.

58. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси сайти.

59. <http://www.cer.uz> - Иқтисодий тадқиқотлар маркази сайти.

60. <http://www.davrbank.uz> - ХЎАТБ «Давр банк» нинг расмий сайти.